

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Атаниязов Тўлқин Оралбоевич

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси магистранти

Аннотация: Мақолада оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солувчи миллий қонунчилик ҳужжатлари тизимли таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу соҳадаги олий ўрни, репродуктив саломатликка оид қонунлар ва соҳадаги сўнгги Президент қарорларининг аҳамиятини ёритиб берган. Шунингдек, мақолада оналар ва болалар ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ва Бош прокурор буйруқларининг роли алоҳида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Оналик ва болалик, репродуктив саломатлик, ҳуқуқий асослар, прокурор назорати, тиббий хизмат.

Аннотация: В статье проводится системный анализ национального законодательства, регулирующего сферу охраны здоровья матери и ребенка. Автор освещает приоритетную роль Конституции Республики Узбекистан, законов о репродуктивном здоровье и значимость последних указов Президента в данной области. Также рассматриваются правовые основы прокурорского надзора и роль приказов Генерального прокурора в обеспечении прав матерей и детей на квалифицированную медицинскую помощь.

Ключевые слова: Материнство и детство, репродуктивное здоровье, правовые основы, прокурорский надзор, медицинские услуги.

Abstract: The article provides a systematic analysis of the national legislation regulating the sphere of maternal and child health protection. The author highlights the supreme role of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, laws on reproductive health, and the significance of recent Presidential decrees in this field. Furthermore, the legal framework of prosecutorial supervision and the role of the Prosecutor General's orders in ensuring the rights of mothers and children to quality medical services are examined.

Key words: Motherhood and childhood, reproductive health, legal framework, prosecutorial supervision, medical services.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни тизимли таҳлил этиш мазкур соҳада прокурор назоратини самарали таъминлашга хизмат қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу соҳага доир ҳуқуқий асослар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тутган ўрни ва аҳамияти каттадир. Чунки Конституция қонунчилик асослар тизимида энг муҳим ва унга пойдевор бўлиб хизмат қилувчи асос ҳисобланади. Шу боис, ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси ва даражасига кўра энг муҳим қоидалар ушбу Конституция нормаларида ифодаланади ҳамда улар олий юридик кучга эга ҳисобланади. Юридик адабиётларда қайд этилишича, Конституция “Ўзбекистон давлатидаги ҳуқуқнинг бош манбаи бўлиб, у турли қонунчилик соҳаларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро мувофиқлигини таъминлайди. Конституция ўз юридик кучига кўра энг олий ҳуқуқий-норматив ҳужжат бўлиб, “ҳуқуқий эҳром”нинг чўққисида туради. Ундан кейин конституциявий қонун ва манбаларда “оддий” деб қайд этилган қонунлар ўрин эгаллайди” [1]. Шу боис, Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида айнан конституциявий нормалар бирламчи ва энг муҳим аҳамият касб этади.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасига биноан, ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. 78-моддага кўра эса, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим ҳуқуқий асосларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида” ва “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” [2]ги қонунлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси кўра, фуқароларнинг репродуктив саломатлиги инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлиги ҳолати бўлиб, бу ҳолат унинг бола туғилишига қодирлигини белгилайдиган репродуктив тизими, ушбу тизимнинг функциялари, ҳаётий жараёнлари билан боғлиқ бўлади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш:

фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олишни;

ҳомиладорликни сақлаб юришни ва боланинг асоратларсиз ҳамда нуқсонларсиз туғилишини таъминлайдиган, ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврдаги тадбирлар, муолажалар ҳамда хизматларни;

репродуктив тизим касалликларининг олдини олишни ва уларни даволашни;
жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг олдини олишни ва уларни даволашни;

эҳтимолдаги асоратларнинг ва репродуктив тизим функциялари бузилиши оқибатларининг олдини олишга кўмаклашган ҳолда ҳомиладорликни хавфсиз равишда сунъий тўхтатишни;

контрацепция усуллари ва улардан фойдаланиш тўғрисида ахборот олишни назарда тутди[3].

Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш куйидагиларни ўз ичига олади:

ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштлики даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш;

репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда тиббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш.

Таъкидлаш жоизки, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асослари орасида қонун ости ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари алоҳида ўрин эгаллайди. Профессор О.Окюлов таъбири билан айтганда, "... қонунлардан кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари алоҳида бунёдкорлик ва услубий методологик аҳамиятга эга бўлганлигини эътироф этиш жоиз. ... Президент фармонлари тизимли таҳлил этилса, уларни нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжат, балки ўзига хос концепция – методологик характерга эга сиёсий ҳужжат сифатида ҳам баҳолаш мумкин"[4].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги "2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида"ги ПҚ-216-сонли Қарорининг 1-бандига асосан, куйидагилар:

а) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурларини амалиётга жорий этиш, шу жумладан:

соғлом фарзанд туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш;

болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёлларни витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш ҳамда мақсадли скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикасини олиб бориш;

б) 2022-2026 йилларда оналар ва болалар учун тиббий хизмат кўрсатиладиган объектларни реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

в) диагностика ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усуллари амалиётга жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш — оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган[5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-296-сонли Қарорига биноан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг самарали бошқарув тизимини яратиш мақсадида 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

– Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика “Она ва бола скрининг” маркази негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказини (кейинги ўринларда - Марказ);

– ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда “Она ва бола скрининг” марказлари негизида Марказнинг 14 та ҳудудий филиаллари ташкил этилган[5].

Бундан ташқари, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий ҳамда ташкилий буйруқлари алоҳида аҳамият касб этади ва улар мазкур назорат йўналиши ҳуқуқий асосларининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Чунки, баъзи ҳуқуқшунос олимлар қайд этганидек, “прокуратура томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг асоси қонунлар билан, унинг батафсил тартибга солиниши эса прокуратуранинг ўз норматив ҳужжатлари билан ўрнатилади”[6]. Б.Пўлатов ҳам “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида иш Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари билан ҳам ташкил этилади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига асосланади”[7], деб қайд этса, Ф.Ғайбуллаев фикрича, “Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари қаторида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруқлари алоҳида ўрин тутати. Ўзбекистон Республикаси Бош

прокурорининг буйруқлари билан прокуратура фаолиятининг у ёки бу соҳасини тартибга солувчи низомлар ва йўриқномалар тасдиқланади”[8].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғида тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда шошилишча тиббий ёрдам тизими фаолиятига доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, касалликлар динамикаси ҳақидаги статистик маълумотлар ҳар ярим йилда таҳлил қилиниб, қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари кўриб бориш каби қатор талаблар баён этилган[9].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, прокуратура органларининг ҳайъатлари қарорлари ҳам оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади[10]. Чунки, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, ҳайъат қарорлари асосида тегишли прокурорлар буйруқлар чиқариши мумкин.

Шунингдек, Бош прокуратура, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳайъат қарорларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалари ўлимини олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар баён этилади, қуйи прокурорлар эса ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятларини режалаштирадilar ва ишларни ташкил қиладilar.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 2023 йил 2 декабрда ўтказилган мажлисида Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бошқармаси, вилоятлар, туман-шаҳар прокуратуралари олдига соғлиқни сақлаш, айниқса, репродуктив саломатликни, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини кескин кучайтириш вазифаси қўйилган.

Умуман олганда, ҳуқуқий асослар оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган прокурор назоратининг таркибий қисми бўлиб, ушбу назорат йўналишида прокуратура органлари томонидан ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда прокуратура органлари фаолиятининг муҳим пойдевори ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Конституциявий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, Ў.Х.Мухамедов, Б.А.Саидов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 29.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
4. Окюлов О., Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография / Профессор Ҳ.Р.Раҳмонкулов таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 58.
5. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.09.2023 й., 07/23/296/0687-сон.
6. Дворецкий М.Ю. Приоритетные направления деятельности прокуратуры Российской Федерации при реализации правозащитных функций и обоснованному привлечению к ответственности // «Вестник ТГУ», 2015, №5 (145). – С. 203.
7. Пулатов Б.Х. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш муаммолари // Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 27.
8. Гайбуллаев Ф. Прокуратура органлари томонидан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари // Илмий-назарий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 235.
9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари [Матн] Т.2. – Тошкент: «Тасвир», 2018. – Б. 63-78.
10. Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Диссертация. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. – Б. 39-40.